



Фуқаролик жамияти институтлари меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ҳимояси йўлида

Тошкент шаҳрида «Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг роли» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Ислом КАРИМОВ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да мамлакатимизнинг замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириши, давлат ва жамият ҳаётида стратегик мақсадларга эришиш учун зарур бўлган чоралар мажмуи кўзда тутилган. Мазкур концепциядаги фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга бағишланган бўлим муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг вужудга келиши босқичма-босқич жараён бўлиб, шахс, жамият ва давлат ўртасида ўзаро муносабатларда манфаатларини, мақсад ва интилишларини амалга оширишга ёрдам беради.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий базаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жамият манфаатларини рўйбга чиқариш, жумладан, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини муҳофаза қилиш ва амалга ошириш бўйича босқичма-босқич иш олиб бормоқда.

Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг ролини кучайтириш учун муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш мақсадида 200 дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Булар: «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кафолатлаш тўғрисида», «Ижтимоий-иқтисодий ҳаётда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятини ривожлантириш тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат бирлашмалари тўғрисида» Қонуни ва ҳоказо.

Сўнги йилларда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўналишида муҳим ишлар қилинди. Мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган янги давлат ва янги жамият куришнинг асоси ҳисобланган беш тамойил ўзини тўлиқ оқлади. Ушбу тамойиллардан келиб чиқиб, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига» гояси илҳом қилинган. Давлат

Кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш йўлидаги муҳим вазифалардан бири — фуқаролик институтларини шакллантириш, мустақиллиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, Фуқаролик институтларини тўлақонли ривожлантириш, жумладан, фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини қарор топтириш учун реал имкониятлар мавжуд. Конституцияимизнинг 37-модда-сида ҳар бир киши меҳнат қилиши, ишни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароити билан таъминланиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Бундан ташқари, республика-мизда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг мажбурий меҳнат, эркак ва аёлларга тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш, корхоналарда меҳнаткашлар вакилларини ҳимоя қилиш ҳақидаги конвенциялар ратификация қилинган. Давлат

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ортиб бораётгани сир эмас. Натижада, улар жамоатчилик назоратининг кучайишида, турли соҳалар ривожига муносиб ўлаш қўшиш билан бирга, жамиятимизда мавжуд қатор камчиликларни бартараф этишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Жумладан, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муайян ижобий ютуқларга эришиляпти. Бу Тошкент шаҳрида «Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг роли» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда ҳам эътироф этилди.

Анжуман Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторингини бўйича мустақил институт, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТ тараққиёт Дастури ҳамкорлигида ташкил қилинди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, вазирлик ва идоралар, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмаси, нодавлат нотижорат ташкилотлар,

шу жумладан, тармоқ ва ҳудудий касоба уюшма раҳбарлари, юртимиздаги хорижий давлатлар элчлони вакиллари, халқаро ташкилотлар, МДҲ ва бошқа давлатлар касоба уюшма марказлари вакиллари, мустақил экспертлар ҳамда ОАВ ҳодимлари иштирок этдилар.

Халқаро илмий-амалий анжуманнинг мақсади юртимизда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш ва амалиётга татбиқ этишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг ролини кучайтириш, уларнинг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнида кенг иштирокини таъминлаш борасидаги Ўзбекистон тажрибасини жамоатчиликка етказишдир. Шунингдек, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, ўтказилаётган ислохотларнинг шаффофлиги ва самардорлигини таъминлашда амалга ошириляётган ишлар мазмун-моҳиятини хорижий иштирокчилар эътиборига ҳавола этиш кўзда тутилган.

Тадбир доирасида Ўзбекистонда меҳнат қонунчилиги амалиёти ҳамда уни ривожлантириш истиқболларининг сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий таҳрибалари, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва амалиётга татбиқ этишда фуқаролик жамияти институтларининг тугган ўрни ҳақида маълумот берилди. Халқаро анжуман давомида давлат органлари вакиллари, миллий фуқаролик жамияти институтлари раҳбарлари, шунингдек, хорижий экспертларнинг маърузалари тингланди. Хорижий мутахассислар ва миллий экспертларнинг «Ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш», «Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки», «Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари» каби мавзулар юзасидан фикрлар тингланди.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунлариданоқ фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани, мамлакат раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишининг асоси бўлган беш тамойил ўзини тўлиқ оқлаганини алоҳида таъкидладилар. Ушбу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» гояси ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилмоқда. Охириги йилларда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат куриши ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий негизи таҳлиллари ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тўғрисидаги қонунлар мамлакат ҳуқуқий ва ижтимоий тизимининг босқичма-босқич ривожланиши натижаси эканлигини кўрсатмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий базаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жамият манфаатларини рўйбга чиқариш, жумладан, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини муҳофаза қилиш ва амалга ошириш бўйича босқичма-босқич иш олиб бормоқда.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2012»

Жоразм вилоятида учрашгунча!

Навоий шаҳрида умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт ўйинлари якунланди

...Навқирон авлоднинг спорт ва ёшлик байрами — «Умид ниҳоллари — 2012» муносабати билан қад ростлаган муҳташам марказий стадион яна меҳмонлар ва спорт муҳлислари билан тўлди. Байрамона безатилган стадион узра «Умид ниҳоллари — 2012» машъаласи ёрқин нур сочмоқда. Майдонга мусобақаларда иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари вакиллари кириб келди. «Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими голибларни тақдирлаш билан бошланади. Кескин ва мурасасиз курашлар остида ўтган мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси бош соврин — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва «Дамас» автомобили билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни

эгаллаган Навоий вилояти ва учинчи поғонадан жой олган Самарқанд вилояти жамоаларига мамлакатимиз Президенти совғаси — «Дамас» автомобиллари топширилди. Мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, галабага интилишини намойён этган бир гуруҳ ўқувчилар махсус совринлар билан тақдирланди. Спорт ва дўстлик байрами — «Умид ниҳоллари — 2012» бир умрга ёдимда қолади, — дейди белбоғли кураш бўйича «Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинлари олтун медали соҳиби наманганлик Абдурашул Ҳабибуллаев. — Якуний босқич беллашувлари унутилмас воқеалар ва рекордларга бой бўлди. Мусобақалар ўқувчи-спортчиларнинг маҳорати юксалётгани ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида спорт изчил ривожланиётганини кўрсатди. Бу — Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида биз, ёшларнинг спорт билан шуғулланишимиз, ўз истеводимизни кенг

намоийш этишимиз учун яратилган улкан имкониятлар самарасидир. Мусобақаларда вилоятимиз ёшларининг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаб, давлатимиз раҳбарининг совғаси — «Дамас» автомобиллини қўлга киритишига мен ҳам ўз ҳиссамни қўшганимдан хурсандман, — дейди «Умид ниҳоллари — 2012» мусобақаларининг шахмат бўйича олтун медали совриндори навоийлик Мохинур Қаҳрамонова. — Ўқувчи-ёшларнинг ҳақиқий спорт байрамига айланган мазкур мусобақалар муносабати билан Навоийда бунёд этилган замонавий спорт иншоотлари давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ва эътиборининг амалдаги яна бир ифодасидир. Буларнинг барчаси навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

(Давоми 4-бетда)



Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фуқаролик жамиятининг мустақам иқтисодий негиз яратилди, мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик қарор топди. Нодавлат тизими, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллашмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимида, оммавий ахборот воситаларида, маънавий-маърифий соҳаларда кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилиш бўйича ишлаб чиқилган аниқ стратегия тўғрисида инқирозга қарши қабул қилинган дастурлар ижросига бутун куч ва имкониятлар сарф қилинмоқда, нафақат глобал инқирознинг олди олинмоқда, балки иқтисодий, ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари, халқимиз фаровонлигини оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, тарихий қисқа давр ичида Ўзбекистон ўзининг қиёфасини, давлат тўзилишини тўлиқ ўзгартириб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгалламоқда.

Фуқаролик жамияти институтларининг роли ва ўрни ҳақида гапирганда, таъкидлаш кераки, биринчи ўринда кишиларнинг асосий, илк эҳтиёжларини таъминловчи шахсларга муносиб таъдиб туради. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар, ногиронлар, фахрийлар, жамоат бирлашмалари, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи жамиятлар, адвокатура, оммавий ахборот воситалари каби фуқаролик жамияти институтлари устувор ўринга эга.

Иккинчи ўринда, шахсларга алоқа ижтимоий-маданий муносабатлар мажмуи сифатида амалга ошади. Бунда асосий институтлар: оила, диний ташкилотлар, таълим ва илмий муассасалар, ижодий уюшмалар, спорт жамиятлари ва бошқалар ҳисобланади.

Учинчи ўринда, шахсларга алоқани сиёсий жараёнларда иштирок этишга бўлган эҳтиёж таъкид этилади. Булар сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар ёрдамида амалга ошади.

Хозирги пайтда ҳар бир фуқаролик жамияти институтининг ўзи ўрни бор. Фуқаролик жамияти институтлари аҳолининг фуқаролик ташаббусини ривожлантириш билан боғлиқ ўзларининг фуқаролик бурчлари ва фуқаролик мажбуриятларини бажаришга оғли равишда ва масъулият билан ёндашиш каби умумий вазифаларни ҳал қилади.

Масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғини ва ҳоказо) бевосита тўғридан-тўғри демократия институтини бўлиб, улар орқали кишилар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш, ободончилик ишлари, аҳолини манзилли ижтимоий

ий қўллаб-қувватлашда иштирок этади. Бундан ташқари, улар коллегиял органларнинг асосий вазифаси — фуқаролар бандлиги, касаначилик, ижтимоий меҳнат реабилитацияси тадбирларини амалга оширишни таъминлайди.

Маҳалла — ноёб миллий фуқаролик жамияти институти ва у ижтимоий масалаларни бир-галликда ҳал қиладиган ижтимоий-иқтисодий бирлиكنи ташкил этади.

Бугунги кунда оиланинг моддий ва бевосита манфаатларини яхши биладиган бундан қулай тизим йўқ. Маҳалла — халқ ишончини қозонган, аҳоли қўллаб-қувватлайдиган адолатли тизимдир.

Хозирги пайтда Ўзбекистонда ўн мингдан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари бор. Улар Қонунийлик томонидан берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда аҳолини мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига кенг жалб қилиш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда.

Фуқаролик жамиятининг бу институти назорат ваколатига ҳам эга. Улар тегишли маҳалла ва қишлоқ аҳоли пунктларида ҳокимиятнинг ижро ва давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали ижтимоий назоратни амалга оширадilar.

Мамлакатни демократик модернизация қилиш босқичида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамияти янада ошади. Концепцияга мувофиқ маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш маркази сифатида, шунингдек, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан ижтимоий назоратни ўрнатиш бўйича ролини мустаҳкамлашга доир норматив ҳуқуқий ва амалий тадбирлар кўрилади.

Ўз навбатида нодавлат но-тижорат ташкилотлари инсонпарварлик, маданий-маърифий, хайрия каби ижтимоий муҳим мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган у ёки бу ижтимоий ташаббусни амалга ошириш учун умумий манфаатга эга кишиларни бирлаштиради.

Ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган энг оммавий нодавлат нотижорат ташкилоти Касаба уюшмалари Федерацияси бўлиб, бу олти миллион нафар аъзони ўз сафига бирлаштирган ўн бир тармоқ, ўн тўртта ҳудудий бирлашмаларни ўзига жамлаган.

Барча жамоат ташкилотлари ичида касба уюшмалари ўз фаолиятини меҳнат соҳасида амалга оширади.

Бозор иқтисодиёти шароитида касба уюшмаларининг асосий функцияси ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя, бандлик, даромадни ошириш, меҳнат хавфсизлиги йўналишлари

Фуқаролик жамияти институтлари

бўйича амалга оширилади. Касаба уюшмалари томонидан ҳодимларни соғломлаштириш, уларнинг маънавий-маърифий даражасини, касб тайёргарлигини ошириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилади.

Бу каби ёшналишлар иш берувчи ва касба уюшма ташкилотлари поритет органлар томонидан имзоланадиган жамоа шартнома ва келишувларда ўз ифодасини топади. Умумийлик даражада ҳуқуқат, касба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида Бош келишув амал қилмоқда, шу асосда тармоқ, ҳудудий битимлар ҳамда жамоа шартномалари тузилди, улар иш берувчилар ва меҳнат жамоалари ўртасидаги меҳнат муносабатларини самарали бошқариш имконини бераётир.

Касаба уюшмаларининг ҳуқуқат билан ўзаро амалий ҳамкорлиги давлат дастурлари, айниқса, ишловчилар ва уларнинг оилалари манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган, ижтимоий йўналишга оид ҳужжатларни амалга оширишда ўз ифодасини топапти.

Ўзбекистонда ҳам тармоқ, ҳам ҳудудий ўзига хос жиҳатларни инобатга олувчи ижтимоийликка йўғрилган жамоа шартномалари пухта ишлаб чиқилган. Натижада жамоа шартномаси доимий равишда ишловчиларнинг даромадини тўғридан-тўғри ва билвосита ошириш қуролига айланиб бораётир. Жамоа шартномаси орқали касба уюшма аъзолари, жумладан, ҳар йили асосий узайтирилган ва қўшимча таътиллardan фойдаланмоқда.

Ишловчи аёллар учун ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ таътиллар қорхона ҳисобидан узайтирилади, болали аёлларга қўсқартирилган иш вақти жорий этилмоқда, ишловчиларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари олиб берилмоқда. Шунингдек, уч ёшгача фарзанд бўлган аёлларга, қўболали оилаларга, фахрийлар ва ногиронларга моддий ёрдамлар кўрсатилаётир, ишловчилар ва уларнинг оилаларини дам олдириш ҳамда соғломлаштириш ташкил этилди.

Деярли ҳар бир жамоа шартномасида аёлларга 3 ёшгача бўлган боласини парвартириш учун ҳақ тўланадиган танаффус берилиш кўзда тутилган бўлиб, меҳнат бозорига рақобатбардор бўлмаган, бандлик хизмати квотаси бўйича қорхонага ишга жойлашган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси белгилаб қўйилган. Шунингдек, жамоа шартномаларида аҳолининг ижтимоий ночор табақалари, оилавий мажбуриятли ҳодимлар, иш билан ўқини қўшиб олиб бораётган ёшлар ва ишловчилар учун имтиёзлар ўз аксини топади.

Буларнинг барчаси давлат кўмаги остида касба уюшмалари ва иш берувчиларнинг ижтимоий шериклиги натижасидир.

Фуқаролик жамияти институтларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга оширишда аёллар учун янада кенг имкониятларни яратиш

масалаларини ҳам ўз ичига олади. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролига катта аҳамият бериб, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан мустақилликнинг илк кунлариданоқ ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда хотин-қизлар ролини ошириш кўзда тутилган бир қатор қонунчилик акти ва қарорлар қабул қилинди. Мамлакатимиз Президентининг 1995 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги махсус Фармони турли даражадаги хотин-қизлар кўмиталари фаолиятининг жадаллашувиغا янгида туртки берди.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини янада оширди.

Бугун Ўзбекистон хотин-қизлари нафақат анъанавий бўлган соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида фаолият юритяпти, шу билан бир қаторда, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тадбиркорлик фаолияти, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ҳам фаол қатнашапти. Айни вақтда давлат хотин-қизларга хусусий бизнесни ташкил қилишда ҳар томонлама кўмаклашаётир, оила аёлларининг инновацион гоғлари ва илмий кашфиётларини рағбатлантиряпти.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан оилаларнинг ижтимоий ҳимояси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шунингдек, ёш авлодни қомил инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси керакли маълумотлар базасига эга ва у мамлакатдаги банклар, хусусан, Микрокредитбанкни жалб қилиш орқали хотин-қизларнинг хусусий бизнесини ривожлантира бориб, бандликни таъминламоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган, айниқса, қишлоқ жойларда яшаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоатчилик бирлашмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди каби ташкилотлар жуда катта ҳисса қўшапти. Улар миллий хунарманчиликни ривожлантиришга кўмаклашиб, халқаро форум ва акцияларни ташкил этмоқда.

Ёшларни ижтимоий-иқтисодий ва моддий қўллаб-қувватлашда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Меҳр нури» жамоатчилик фонди сингари қўллаб-қувватлаш алоҳида ўрин тутаяди.

Республикадаги 5 мингдан зиёд ННТларнинг саъй-ҳаракатларини мужассамлаштириш, уларнинг интеллектуал, моддий-техник ва аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ресурсларни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси тузилди ва фаолият кўрсатаётир.

Шундай қилиб, бугунги кунда соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни, айниқса, ёшлар ўртасида таъминлаш, аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалалар билан боғлиқ соҳалардаги муҳим давлат дастурларини халқ қилишда ННТ иштирокининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда.

Сиёсий партиялар ҳақида шунини айтиш мумкинки, улар ҳам ўзининг ташкилий-ҳуқуқий мақомига кўра, нодавлат нотижорат ташкилот хисобланади. Энг фаол фуқароларни уларнинг қизикликларида келиб чиққан ҳолда ижтимоий аҳамиятга молик масалалар ечимида қатнашиш учун бirlaштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бinoан, сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий хоҳиш-иродасини ифода этади ҳамда демократик йўл билан сайланган ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этади.

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва амалга оширишда оммавий ахборот воситалари муҳим рол ўйнайди. Ахборот эркинлигини таъминламай, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва гоғлари, атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан позицияси, муносабатини эркин ифода этиши мумкин бўлган маконга айлан-тирмай туриб, демократияни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллиги, мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётида унинг реал иштироки ҳақида гапириб мумкин эмас.

Агар 1991 йилда Ўзбекистонда 395 та оммавий ахборот воситаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунда мазкур кўрсаткич 1254 тани ташкил этади. Бугун 87 фоиз теле ва радиоканал, веб-сайтлар нодавлат оммавий ахборот воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон ОАВ мамлакатда яшаётган миллият ва элаларнинг етти тилида чоп этилади ва эфирга узатилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари, айниқса, Интернетнинг жорий этилиши ва ривожланиши натижасида ўлароқ мамлакатда 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра 173 та веб-сайт ОАВ сифатида рўйхатдан ўтди. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини модернизация қилиш натижасида телерадио дастурларини узатиш суний йўлдош орқали йўлга қўйилди. Айни вақтда мамлакат телекоммуникация тизими жаҳондаги 180 та мамлакатдаги 28 та йўналиш бўйича халқаро каналлар билан тўғридан-

тўғри эфирни амалга оширмоқда.

ННТлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланиши ҳамда ушбу мақсад йўлида Жамоатчилик фонди ва Парламент комиссияси ташкил этилиши ижтимоий масалалар ечимини топишда фуқаролик жамияти институтлари имкониятларини амалга оширишнинг шакл, услуб ва механизмларини такомиллаштириш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Республика иқтисодиётининг барқарор, ривожланиши аҳоли фарворлигининг ўсиши, ижтимоий-меҳнат соҳасидаги кўпгина масалаларнинг муваффақиятли ечим топилиши таъминламоқда.

Ижтимоий-иқтисодий масалалар, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган ва қабул қилинаётган Ўзбекистон Республикаси давлат дастурларида ўз ифодасини топаётир. Уларнинг амалга оширилишида фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатда иш ҳақи ва ижтимоий трансфертлар бўйича тўловлар миқдори мунтазам равишда ошиб, юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан солиқ юки пасайиб борапти, ишловчиларга иш ҳақи ва меҳнати рағбатлантириш, шунингдек, манзилли ижтимоий ҳимоя механизми такомиллашаётир.

Кейинги йилларда аҳолининг ночор қатламларини ишга жойлаштириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда иш ўринлари яратишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида меҳнат соҳасида ижтимоий шериклини амалга оширишда ҳам салмоқли ютуқларга эришилди.

Ижтимоий шериклик, бу — авваламбор, ННТлар, давлат ҳокимияти органлари, тадбиркорлик фаолияти бошқаруви ва субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсонпарварлик масалаларига ечим топиш, аҳоли турли табақалари ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган дастурларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорликни демекдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мисолида ҳуқуқий база таҳлили ижтимоий шерикликнинг асосий принципларини намойиш этмоқда ва бу давлат оммавий ахборот воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон ОАВ мамлакатда яшаётган миллият ва элаларнинг етти тилида чоп этилади ва эфирга узатилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари, айниқса, Интернетнинг жорий этилиши ва ривожланиши натижасида ўлароқ мамлакатда 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра 173 та веб-сайт ОАВ сифатида рўйхатдан ўтди. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини модернизация қилиш натижасида телерадио дастурларини узатиш суний йўлдош орқали йўлга қўйилди. Айни вақтда мамлакат телекоммуникация тизими жаҳондаги 180 та мамлакатдаги 28 та йўналиш бўйича халқаро каналлар билан тўғридан-

роф этилган йўналиш бўйича эришилган ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтади:

- ишчи кучига талабнинг рағбатлантирилиши;
- иш ўрни ҳимояси;
- ижтимоий ҳимоя тизимининг кенгайтирилиши;
- ижтимоий мулоқотнинг ўтказилиши ва меҳнат соҳасида ишловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Кўриниб турибдики, фуқаролик жамияти институтларининг фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва амалга оширишдаги ролининг «Ўзбек модели»га хос равишда ошиб боришига оид куйидаги жиҳатлар эътиборга моликдир:

- фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг реал механизминини яратиш;
- аҳолининг ҳуқуқий маданияти ўсишига кўмаклашиш;
- ҳуқуқий, экологик ва тиббий маданиятни ошириш, умуминсоний андешалар, маънавий ва соғлом турмуш тарзи тарғиботида ОАВ фаолиятини кучайтириш;
- хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш, уларнинг касбий ўқуви сифатини яхшилаш;
- умумтаълим муассасаларининг конкрет қорхоналар билан мустаҳкам алоқасини таъминлайдиган ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини яратиш;
- жамиятда оила институтлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини мустаҳкамлаш;
- ёш оилалар, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик, хунарманчилик, халқ амалий санъати, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турларини, айниқса, олис қишлоқ жойларда ривожлантиришга кўмаклашиш;
- ёшларни тадбиркорлик фаолиятига, авваламбор, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини кенг жалб этиш учун шароит яратиш;
- камолга етаётган авлоднинг маънавий тарбиялаш, уларнинг дунёқараши, ахлоқ-одоби, ўзини англаши, умуминсоний ва миллий қадриятларга дахлдорлик ҳис-туйғуларини мустаҳкамлаш;
- бандлик, янги иш ўринларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаларида жомаатчилик назоратини ўрнатиш;
- ҳуқуқат, касба уюшмаларини ва иш берувчилар ўртасидаги Бош келишув, тармоқ, ҳудудий битимлар ва жамоа шартномаларининг амалийлигини таъминлаш орқали меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик принципларини амалга ошириш.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, касба уюшмаларининг мамлакат аҳолиси турли қатламлари ҳуқуқ, эркинликлари ва манфаатлари ҳимоясидаги роли бе-кўйсидир.

Танзила НАРБАЕВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш зарурки, жамоат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланиб, «Жамоат бирлашмалари» номли 13-боби тўлиқ улар фаолиятига бағишланган. Жамоат бирлашмалари фаолияти тамойилларининг Конституциявий мустаҳкамланиши турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи нодавлат нотижорат ташкилотларнинг кўп тармоқли тизими ривожланиши учун шароит яратди. Уларнинг аксарияти аҳолини касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, ишга жойлаштириш жараёнида фаол ва муваффақиятли иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократия ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» фуқаролик жамиятини ривожлантириши янги босқичга олиб чиқди.

Мамлакатимиздаги ва халқаро амалиёт шунини кўрсатадики, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш ва амалга ошириш соҳасидаги ижодий натижаларга меҳнат муносабатларининг барча иштирокчилари: ҳодимлар, иш берувчилар, давлат хизматчилари ва албатта, юқорида таъкидланган барча тарафлар манфаатларини ифода эта олувчи фуқаролик жамияти институтларини жалб этган ҳолда комплекс ёндашуви ташкил этиш орқали эришилади.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий инқирози шароитида бандлик ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш борасида дунё миқёсида тан олинган куйидаги тўрт йўналиш бўйича маълум муваффақиятларга эришилгани ҳам халқаро экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Булар: ишчи кучига бўлган талабни рағбатлантириш, иш ўринларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоя тизимини кенгайтириш, меҳнат соҳасида ижтимоий мулоқот ўтказиш ва ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.

Анжуманда хорижий экспертлар фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг тутган ўрни кучайганига, шунингдек, Ўзбекистон фуқаролари меҳнат ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштирок этиш механизмига юксак баҳо беришиди.

Тингланган маърузалар ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиш тажрибаси атрофида муҳокама этилиб, халқаро илмий-амалий анжуман қатнашчилари томонидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда Азербайжан касба уюшмалари Конфедерацияси, Украина касба уюшмалари Федерацияси ва Қозоғистон касба уюшмалари Федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

Ўз мухбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Сўз конференция иштирокчиларига

Э. СОЛИХОВ,

Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институти директори:
— Хуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо қилишда мустақил, барқарор, аҳолининг кенг қатламини қўллаб-қувватлашга қодир нодаватлр ташкилотларини шакллантириш муҳим вазифадан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқаро талабларга тўла жавоб берадиган ННТ ва фуқаролик жамияти институтларини ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш учун зарур хуқуқий база яратилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2008 йилда қабул қилинган «ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг янада кучайтириш тўғрисида»ги қўшма қарори бу жараёнда янги босқич бўлди. Унга мувофиқ олий қонун чиқарувчи орган қошида ННТлар ва бошқа фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тuzилди. Таъкидлаш керакки, 2008-2012 йиллар мобайнида ННТларга турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун жамоат фонди томонидан 21 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилган. Парламент комиссиясининг қарорига қўра ушбу маблағлар грант танловлари ўтказиш, субсидиялар, ижтимоий буюртмалар бериш орқали ННТлар ташаббусларини қўллаб-қувватлашга сарфланган.

Бугун Ўзбекистон ННТлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, турли партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоатчилик уюшмалари ва фондар билан бир қаторда фуқаролар фаоллиги миллий ўзликини англаш, сиёсий маданият ва маънавий баркамолликни оширишга хизмат қилмоқда.

Д. ЦЯЛИ,

Бутунхитой касаба уюшмалари Федерацияси халқаро департаменти мудир:
— Федерациямиз касаба уюшма ташкилотлари тузилишини таъминлаш, шунингдек, қуйи ташкилотларнинг мустақамлашиши ҳамда кенг меҳнаткашлар оммасини касаба уюшма аъзоллигига жалб қилишга интилади. Федерация аъзоларни бирлаштириш ҳамда уларни касб нуктаи назаридан ривожлантиришни асосий мақсад қилган.



Утган йил сентябр ойи ҳолатига кўра, Бутунхитой касаба уюшмалари Федерацияси 2,32 миллионга қуйи ташкилотга эга. Корхоналарда касаба уюшма ташкилотини тузиш 67,6 фоизни ташкил қилади. Касаба уюшма аъзоларининг сони эса 257 миллионни ташкил этади.

Шу билан бирга, доимий равишда бошланғич ташкилотларнинг мобилизация, хизмат

қўрсатиш ва ишчи-ходимларга кўмақдош бўлиш борасидаги имкониятларини кенгайтираётимиз. Меҳнаткашларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини янада яхшироқ ҳимоялаш, шунингдек, касаба уюшма афзалликлари ва бирдамлигини кучайтириш учун қуйи ташкилотларнинг барқарор янги меҳнат муносабатларини ривожлантириш ва ўз ташаббусларини татбиқ этиш борасидаги имкониятини оширяпмиз.

Касаба уюшмалари хуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя механизмини яратиш, макро ҳамда микро кўламда меҳнаткашлар хуқуқий ҳимоясини таъминлашга интиляпмиз.

А. МОХАНТИ,

халқаро эксперт (Ҳиндистон):
— Ҳиндистон ўз фаолиятини 1919 йилда бошлаган Халқаро меҳнат ташкилотининг асосчиларидан бири. ХМТнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ташкилотнинг аъзо давлатлардаги уч томонлама тизимидир. Ташкилотнинг ҳар бир қатламда ҳуқуқат бошқа икки ҳамкор, яъни ишчилар ва иш берувчилар билан боғланган.



Бу уч гуруҳнинг ҳаммаси ХМТнинг барча органларида мавжуд. ХМТнинг асосий вазифаси конвенция ва тавсиялар шаклида халқаро меҳнат нормаларини яратишдан иборат. Конвенциялар халқаро шартнома кучига эга бўлиб, уларни ратификация қилувчи мамлакатлар учун хуқуқий мажбуриятлар яратиш воситаси ҳисобланади. Тавсиялар икхтиёр характерга эга ва улар миллий сиёсат ҳамда ҳаракатларни шакллантириш учун йўналиш беради.

Ҳиндистон доимо халқаро меҳнат нормаларига ижобий муносабатда бўлиб келган. ХМТ воситалари меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг хуқуқий ва маъмурий жиҳатлари ривожланиши учун фойдали асос яратди. ХМТ қончиликлари халқаро норма сифатида меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг хуқуқий базасини яратишда муҳим ўринга эга бўлди.

С. МЫНБАЕВ,

Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари:
— Нодаватлр нохитжорат ташкилотлари сектори амалга ошираётган ишлар Қозоғистонда фуқаролик, хуқуқий демократик жамиятни қуришда муҳим ўрин тутди.



Қозоғистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, қатор қонунлар ва бошқа қўллаб норматив ҳужжатлар фуқароларнинг ўз ҳақ-хуқуқларини мустақил равишда ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Давлатимизда тузилган касаба уюшмалари, аёллар, ёшлар, болалар хуқуқларини, экологияни ҳимоя этишчи ташкилотлар ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ва ногиронлар манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида фаолият қўрсатмоқда. Қозоғистон фуқаролик жамиятининг энг катта, реал фаолият олиб боровчи ташкилоти, шубҳасиз, касаба уюшмалари бўлиб, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда бор имкониятини сафарбар этапти.

Федерациямиз таркибиде 26 тармоққа ушган 14 вилоят, Остона шаҳри тармоқ кенгашлари мавжуд. 18 мингдан ортиқ бошланғич касаба уюшма кўмитаси ўз атрафида 2,1 млн. аъзони бирлаштирган.

Б. АЛИМУХАМЕДОВ,

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари:
— Илк марта ба ўтказилаётган мазкур халқаро илмий-амалий анжуман фуқароларнинг ижтимоий меҳнат хуқуқларини таъминлашда

ННТларнинг ролин кучайтиришга муносиб ҳисса қўлишига шубҳа йўқ. Фуқаролик жамияти институтларининг ролин ошириш йўналишида Ўзбекистон тегишли қонунчилик, меъёрий-хуқуқий база ва тажрибага эга. Биринчи навбатда, вазирликлар ва бошқармалар, давлат бошқаруви органлари билан фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, маҳалла, касаба уюшмалари ўртасида тегишли муносабатлар ўрнатилган.

Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси ҳақида гапирганда қуйидагиларга тўхталиш мумкин:

Биринчидан, Конституция, Меҳнат кодекси, бандлик, меҳнат муҳофазаси, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид ва бошқа қатор қонунларда фуқароларнинг меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимояга бўлган хуқуқлари белгилаб қўйилган.

Иккинчидан, қабул қилинган ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳоли турмуш тарзи ва даромадларининг барқарор ўсиб бориши бўйича олиб борилган мақсадли чора-тадбирлар 2010 йилда энг кам иш ҳақини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Учинчидан, янги иш ўринларини яратиш бўйича амалга оширилган ишлар, иқтисодийнинг тармоқларини диверсификация қилиш, маҳалла мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, мажбурий 12 йиллик таълим аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тўртинчидан, фуқаролик жамияти институтлари фуқароларнинг ижтимоий-меҳнат хуқуқлари бўйича қонунчиликни мукамаллаштиришда бевосита қатнашди.

Бешинчидан, Ўзбекистонда фуқаролар меҳнат хуқуқларини таъминлаш юзасидан Ҳуқуқат ва ННТлар ўртасида ижтимоий муносабатлар вужудга келган ва фаол тараққий этапти. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун тузилган Бош келишувни мисол сифатида келтириш мумкин.

А. КАРИМОВ,

Ўзбекистон нодаватлр нохитжорат ташкилотлар Миллий ассоциацияси раиси:
— Ўзбекистон нодаватлр нохитжорат ташкилотлар Миллий ассоциацияси ННТлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, уларни бирлаштирувчи ва қўллаб-қувватловчи жамоат ташкилоти ҳисобланади.

Демократик қадриятлар муҳофазаси, жамият хуқуқий, эркинлиги ва хуқуқий манфаатлари ҳимояси, демократик мамлакатимиз фуқаролари ҳимояси фаолиятимизнинг асосидир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ассоциация жамиятни демократлаштиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ қилишга йўналтирилган.

Ассоциациянинг асосий мақсади эркин ва очик фуқаролик жамиятини қуриш, ННТларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини уларни бирлаштириш орқали мустақамлаш, давлат тузилмаларига қарши кучли конструктив тузилмани яратишдир. У жамиятдаги манфаатлар мувозанатининг кафолати, шунингдек, давлат ҳимоясидан энг кам фойдаланадиган — жуда кучсиз, айни пайтда ўта фаол ва лаёқатли, фуқаролар ташаббуси билан ташкил қилинган ННТлар манфаатларини ҳимоя қилади.

Хорижий ҳамкорлар билан ўзаро фойдали алоқалар ўрнатилган. Шунингдек, ассоциация Ўзбекистон Республикаси ва КЕС ўртасидаги ҳуқуқатларга «Молиявий келишув» доирасида КЕСнинг Ҳамкорлик дастури ва институционал ривожланиш бўйича Ўзбекистондаги ҳамкори ҳисобланади. Ассоциация ҳамкорлик доирасида турли ижтимоий лойиҳаларда иштирок этади.

Ж. ВИТТОРИО,

халқаро эксперт (Италия):
— Мамлакатингизга ўн биринчи марта ташир буюришим. Ўзбекистон ҳақида кўп нарс биланман. Самарқанд, Бухоро, Хивада бўлганман. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, меҳнатсеварлиги тахсинга сазовор. Бугун Италия ва Европа Иттифоқи давлатларининг

кўпчилиги Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни оқибатларини бошидан ўтказмоқда. Бироқ сизнинг мамлакатингизда олиб борилаётган узоқни кўзлаган ҳолда олиб борилаётган сиёсат натижасида инқироз таъсири ва оқибатларининг олди олинди. Ўзбекистоннинг меҳнат қончилиги билан яхши танишман. Унда барча халқаро талаблар, меҳнаткашлар учун зарур шартшароитлар ўз аксини топган.

Италияда меҳнаткашларнинг хуқуқлари 1947 йилда ишлаб чиқилиб, 1948 йилда амалга қиритилган. Конституциямизнинг 1-моддасида Италия меҳнатга асосланган демократик давлат деб белгилаб қўйилган. Сизнинг мамлакатингизда диққатга сазовордир. Ўзим юрист бўлганим учун яхши биланман. Италия Меҳнат кодексига меҳнат билан боғлиқ давлоларни узоғи билан 1 йил мобайнида қўриб чиқилиши шартлиги айтилди. Бироқ, амалиётда бу жараён 3 йил ва ундан ортиқ муддатларга чўзилиб кетиши ҳолати кўп учрайди. Бу борада Ўзбекистондаги ижобий тажрибадан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп эканлигига амин бўлдим.

Ф. МУХАМЕДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Қонун ҳужжатларини мониторинг қилиш институти директори:
— Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, кучли фуқаролик жамиятини қуриш йўлида кенг фаолият олиб боришмоқда.



Фуқаролик институтларини ривожлантиришга оид қабул қилинаётган норматив ҳужжатларни мукамаллаштириш, жаҳонда тан олинган хуқуқий ҳужжатларнинг ратификация қилиниши борасида муҳим қарорлар қабул қилиниб, катта қадамлар ташланаётир. Бу борада Президент Ислам Каримов томонидан тавсия этилган Концепция асос вазифасини ўтамоқда.

Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалиётга кенг татбиқ этилиши борасида олтига комиссия тузилган бўлиб, комиссиялар норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тайёрлинишда фаолият олиб боришти. Улар ўтган йилда тегишли қонунлар ишлаб чиқишга оид 32 та акт тайёрлади.

Очиқ ва ҳаққоний фуқаролик жамияти қуриш йўлида жавобгар ташкилотлар ва тегишли вазирликлар иштирокида 1183 та конференция ва давра суҳбатлари, оммавий ахборот воситалари иштирокида 1400 га яқин матбуот анжуманлари ўтказилди.


Г. АНДРЕЕВА,

Россия мустақил касаба уюшмалари Федерацияси хуқуқий департаменти раҳбарининг ўринбосари — тахлилий-консултатив хизмат раҳбари:
— Касаба уюшмалари Россиядаги энг катта фуқаролик жамияти институтларидан бири ҳисобланади. 1992 йилдан ўз фаолиятини бошлаган Россия учтарафлама комиссияси меҳнатга оид муносабатнинг шаклланишида, ижтимоий шериклик, меҳнат қилиш халқаро меъёриларининг амалиётга татбиқ этилишида муҳим ўрин тутмоқда.



Россияда касаба уюшмалари меҳнат хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ҳар қандай ўзгаришларга ўзининг очик муносабатини билдириш хуқуқига эга. Бундан ташқари, ҳуқуқат томонидан қабул қилинаётган, касаба уюшма аъзолари манфаатларига алоқадор ҳар қандай қонун ва ўзгаришларга ўз муносабатини билдириб боровчи депутатларимиз қонун чиқарувчи органлар таркибига қиритилган.

Умумроссия иш берувчилар уюшмаси, ҳуқуқат ва касаба уюшмалари ўртасида Бош келишув 2011-2013 йилларга мўлжаллаб тузилган. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси йўлида амалга оширилган ишларимиз самараси ўларок, 2011 йилда касаба уюшмаларининг 700 га яқин хуқуқий ва 500 га яқин техник инспекторлари малакаси оширилиб, юқори салоҳиятли кадрлар тайёрланди.




А. АХМЕДОВ,

«Маҳалла» республика хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси:
— Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, сиёсий фаоллигини ошириш масаласи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳаллалар олдида жиддий вазифаларни қўяди.

Ҳозирги кунда республикада 10 мингдан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият қиртмоқда. Маҳаллалар қўллаб хайрли ишларни амалга оширяпти. Аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилиш, маданий-маърифий ишлар, оилаларнинг мустақамлигини таъминлаш, кам таъминланган ҳамда ногиронларни қўллаб-қувватлаш, худудларни ободонлаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларида фаол иштирок этаётир.

Ҳозирги кунда маҳаллаларда тўқши, зардўзлик, кўрпа-тўшаклар тайёрлаш ва бошқа миллий хунармандчилик соҳалари билан шуғулланадиганлар сони ортиб бормоқда. Бу жараёнга ҳар бир маҳаллада ташкил қилинган бепул маслаҳатхоналар ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шу кунга қадар 9984 та шундай маслаҳатхона ташкил қилинган. Шунингдек, ҳар бир фуқаролар йиғинида хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, касаначилик, ланки ривожлантириш бўйича комиссиялар фаолият қиртади.



С. ГЛОВАЦКАС,

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ:
— Муносиб меҳнат шартшароитлари эркак ва аёллар учун тенглик, хавфсиз ва инсон қадр-қимматини камситмайдиган иш билан таъминланиши демократик. Бу, аввало, инсон ҳаётида меҳнатнинг етакчи ўрнини тан оладиган стратегияни ривожлантиришга қақиради.



Муносиб меҳнат шартшароитларининг 4 та устувор йўналишларини айтиб ўтиш зарур:

1. Меҳнат доирасидаги асосий хуқуқ ҳамда қулай шартшароитлар масаласидаги барча стратегик муаммоларни ҳал этишда асосий тамойилларга амал қилиш ҳамда амалга оширилишига кўмаклашиш.


2. Кишиларнинг ўз билим ва имкониятини ривожлантириши учун барқарор институционал ва иқтисодий муҳитни яратиш лозим. Барча корхоналар, жумладан, давлат ва хусусий сектордаги корхоналар, фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, барчага фаровонлик учун имконият яратиб бериши керак.

3. Барқарор характерга эга, миллий шартшароитларга мос келадиган ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот чора-тадбирларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимояни барча фуқаролар учун таъминлаш жуда муҳим.

4. Ҳар бир мамлакатнинг имкониятлари ва ахтиёрлидан келиб чиқиб ижтимоий диалог ва трипартизм устувор масалаларини ҳал қилишда асосий чора сифатида қўлланишига кўмаклашиш. Таъкидлаш керакки, ушбу тўртта устувор йўналиш ажралмас ва ўзаро боғлиқ, бир бирини тўлдириб келувчи ягона тизим ҳисобланади. Улардан бирортасини ҳал қилмаслик бошқаларининг ечимини ҳам ортага суриши мумкин.

А. САИДОВ,

Ўзбекистон 1992 йилдан буйн Халқаро меҳнат ташкилоти аъзоси ҳисобланади ва у билан ҳамкорлик ташкилотнинг Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий шериклари воситасида амалга ошириб келинади. Ҳозирги кунгача Ўзбекистон ХМТнинг ўн учта конвенциясига қўшилди.




Муносиб меҳнат шартшароити, қўсонли иш ўринларини яратиш орқали барқарор ўсишнинг юзга келиши каби дунё миқёсидаги муҳим иқтисодий масалалар ХМТ фаолиятида марказий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Ҳуқуқатининг бу борадаги ҳаракатлари эса ХМТ стратегияси ва қонунчилигига тўлиқ мос келади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунига кўра, 18 ёшга бўлган шахс бола ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат 18 ёшга бўлган шахсларга мажбурий таълим ва ишинг баробар олиб борилишига шартли яратиб бериш йўли билан меҳнат қилиш хуқуқини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши 16 ёш деб белгиланган. Алоҳида ҳолатларда ота-она ёки уларнинг вазифасини бажарувчи шахсларнинг рухсати билан 15 ёшдан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Ёши 18 дан кичик бўлган ишчи-ходимларга иш берувчилар мажбурий таълим ва ишинг баробар олиб борилиши учун зарур шартшароитни ярати бериши, имтиёзли меҳнат ва дам олиш, меҳнат муҳофазаси нормаларига қаттиқ амал қилинишини таъминлаш, шунингдек, меҳнатнинг хавфли қўринишлари билан шуғулланишларига йўл қўймаслиги лозим.

С. КОНДРЮК,

Украина касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари:
— Украина Конституциясида бинован давлат барқарор ижтимоий муҳит учун жавобгар. Украина жамияти учун инсон хуқуқлари ва меҳнат хуқуқлари биринчи даражали масала. Давлатимиз Халқаро меҳнат ташкилотининг фаол аъзоси.



Европа ижтимоий хартияси 2006 йилдан бошлаб қонунчилигимиз асосларида ўзининг сезиларли таъсирини ўтказмоқда. Украина касаба уюшмалари Федерацияси бу муҳим ҳужжатнинг тўлиқ ратификация қилиниши йўлида изчиллик билан фаолият олиб бормоқда. 8 млн. нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган Федерациямиз инсон хуқуқларини ҳимоя этиш борасида тизимли ва катта режаларни амалга оширмоқда.



Меҳнат хуқуқларини юқори даражада таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси таркибига касаба уюшмаларининг мустақил вакили қиритилган. Бу вақил касаба уюшмалари аъзолари хуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан қабул қилинаётган қарорларда ходимлар манфаатларини ҳимоя этиш йўлида хизмат қилмоқда. Бундай мулоқот жойларда ҳам йўлга қўйилган.

Хоразм вилоятида учрашгунча!



(Давоми. Боши 1-бетда).

«Умид ниҳоллари» — Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш мақсадида ўқувчи ва талабаларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб этиш мақсадида яратилган уч босқичли спорт тизимининг дастлабки бўғинидир. Мазкур ноёб тизим мусобақалари муносабати билан мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида барпо этилган замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган спорт мажмуалари, болалар спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдонлари, гимнастика марказлари, мактаб ва коллежларнинг спорт заллари ёшларимиз учун улкан имкониятлар яратмоқда. Барча спорт иншоотларини замонавий спорт анжомлари, юқори маънавий спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Спортни оммалаштириш, айнакча, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

«Умид ниҳоллари» — 2012-нинг якуний босқичида туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги беллашувларда ўз иқтидор ва қобилиятини намойиш этган энг сара ўғил-қизлар спортнинг 12 тури

бўйича ўзаро беллашди. Олимпия ўйинлари талабларига қатъий риоя қилинган, ҳолислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик ва бирдамлик каби қадриятлар бош мезон бўлган беллашувларда иштирокчиларнинг кўрсаткичи ва натижалари тобора ўсиб бораётгани қайд этилди, кўплаб рекордлар ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз спорт заҳираси иқтидорли ёшлар билан тўлиб бораётгани, ўғил-қизларнинг спорт соҳасидаги имкониятлари ва салоҳияти юксалаётганидан далолатдир.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада минг-минглаб ёшларимиз учун спорт олимпиада энг юксак марраларни эгаллашда ўзига хос парвоз майдони вазифасини ўтамоқда. Бундай самарали тизим фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, иродаси бақувват, имон-эътиқоди мустаҳкам инсонлар этиб вояга етказишда, қатъият ва мардлик руҳида тарбиялашда чиниқиш ва маҳорат мактабига айланиб бормоқда. Зеро, бугунги кунда халқаро спорт майдонларида, Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган маҳоратли спортчиларимизнинг даярли барчаси илк бор ўқувчи ва талабалар ўртасидаги ана шундай мусобақаларда кашф этилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишининг, унинг салоҳиятини намойиш этиш, гурур ва иф-

тихорини юксалтиришининг энг самарали ва таъсирчан воситасидир. Бугун юртимизда жадал ривожланаётган болалар спортини — ўзбек спортининг келажиги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам пойдеворидир. Шунингдек, инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик, эл-юртга содиқлик, ифтихор туйғуларини сингдиришда спортнинг аҳамияти бекиёс.

Ўзига хос ёшлик байрамига айланган спорт ўйинлари доирасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилди. Мусобақа иштирокчилари Навоий шаҳридаги Алишер Навоий маданият ва истироҳат боғини томоша қилиб, буюк бобомиз хайкали пойига гуллар қўйди.

Кармана туманидаги тарихий ёдгорликлар — XVI асрга доир «Қосим Шайх» мажмуаси, XI асрда бунёд этилган «Работи Малик» ва «Сардоба» қарвон саройларига уюштирилган саёҳатлар ўқувчи-спортчиларда катта таассурот қолдириб, улар Ватанимизнинг бой тарихи ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдилар.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам машҳур. Бу ерда фаолият юритаётган йигирмага ақин қўшма корхонада замон талабларига мос юқори сифатли кўплаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Келажакимиз эгалари бўлган ўқувчи-ёшлар Марказий Осиёда ягона ушбу эркин

индустриал-иқтисодий зона фаолиятини катта ҳайрат билан томоша қилдилар.

— Навоий шаҳри ва Кармана тумани бўйлаб уюштирилган саёҳатлар давомида халқимизнинг буюқ тарихидан далолат берувчи қадимий обидалар, муқаддас қадимжолар, истиқлол йилларида барпо этилган муҳташам иншоотлар ва замонавий корхоналар билан танишув менда унутилмас таассурот қолдирди, — дейди сузиш бўйича Қорақалпоғистон терма жамоаси аъзоси Шохсанам Узоқбоева. — Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган ана шундай улкан бунёдкорлик ишлари биз, ёшларни ўзимиз танлаган соҳалар бўйича юксак чўққиларни эгаллаш, етук мутахассис бўлиб, Ватанимиз обрўсини бундан-да юксалтириш сари ундайди.

Шунингдек, Навоий информатика ва электрон санонат, маданият ва санъат, индустриал-иқтисодиёт, спорт коллежлари, Навоий давлат педагогика институти, кончилиқ институти, футбол мактаб-интернатида таълим олиётган ёшларимиз, санъат арбоблари билан учрашувлар, концертлар ташкил этилди.

...Стадион узра майин мусиқа сандолари янгради. «Умид ниҳоллари» — 2012» республика спорт ўйинлари байроғи туширилди. Навоий вилоятининг ёш спортчилари «Умид ниҳолла-



ри» спорт ўйинлари байроғини умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг навбатдаги мусобақасига мезбонлик қиладиган Хоразм вилояти вакилларига топширади.

«Умид ниҳоллари — 2012» машаласи аста-секин сўнади. Бироқ унинг тафти мусобақалар қатнашчилари қалбига бир умрга жо бўлиб, уларнинг катта спорт сари башламдан йўлини ёритишда, ҳаёти давомида янги, янада улкан марралар ва ютуқлар сари чорлайверади.

«Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақаларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди.

**Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ,
Ёрқул УМАРОВ,
ЎЗА маҳсус муҳбирлари,
Муҳаммад АМИН
(ЎЗА) олган суратлар**

ШЕЪР ВА ШУУР

Самимий ва жўшқин шеърлари, таржима ва публицистик чиқишлари, илмий ишлари билан ўзбек адабиёти ва журналистикасига катта ҳисса қўшган, қисқа умри давомида халқнинг сеvimли шоири, талабаларнинг меҳрибон устози сифатида хурмат ва эътибор қозонган Тилак Жўранин серқирра ҳаёти ва фаолияти, жумладан, унинг шоирлик, таржимонлик, олимпик, мураббийлик фаолияти, айниқса, одамийлик фазилатлари ҳақида бир неча китоб ёзиш мумкин.



АРХИВ

Халқларвар шоир эди...

Тилак Жўранин ижодий ва мураббийлик фаолияти мустабид тузумнинг чексиз-чегарасиз таълиқлари авж олган даврга тўғри келди. Шу йиллари Тилак Жўра ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг таниқли адабиётшунос олим ва мунаққид, филология фанлари доктори, профессор Файзулла ас-Салом бошчилигидаги таржима назарияси ва амалиёти кафедрасида Наҳиддин Комилов, Муҳаммад Али, Хамидулла Кароматов, Комилжон Жўраев, Фулом Мирзо каби адабиётшунослар билан бирга фаолият олиб борди. Хафтанин ҳар чоршанба кунини кафедра йиғилиши баҳона бу ер улкан мушоҳада ва баҳс-мунозара майдонига айланиб кетар эди. Айнан шу кунини кафедранинг ақин дўстлари Султонмурод Олим, Абдусалом Умаров, Саъдулла Аҳмад, Зукридин Исомиддин, Йўлдош Эшбек, Берди Раҳмат, Нортўхта Қилин, Маъруф Жалил, Шукур Қурбон, Назар Эшонқул, Қўчқор Норқолиб, Азиз Саид каби адабиётшунос, шоир ва ёзувчилар ташриф буюришарди.

Кун тартибидаги номзодлик, докторлик ишлари муҳокамасидан ташқари янги ёзилган насрий асарлар, шеър ва мақолалар таҳлилига кенг ўрин берилар эди. Бу суҳбатларда Тилак Жўранин фақатгина ўзига хос жўшиб гапиришларини, қани эди, худди ўзини кўргандай тасвирлаб беришининг имкони бўлса... Ҳа, Тилак Жўра ўша даврнинг ўзидаёқ мустабид тузумга қарши ҳиссиётларини баралла айта олган халқларвар ва эрқарвар шоир эди.

Фикримиз исботи учун шоирнинг қуйидаги мисраларига мурожаат қилсак:

*Бўзтўрғайдай бўзлаб бошимда,
Қора сочин кўксига ёйиб,
Мендан нима истайди бу тун?*

*Ахир, шамол мендан не истар,
Йўлларимга ҳазонлар сочиб?*

*Йўлимиз-ку бошқа-бошқадир...
Шамол каби ҳансарат титраб,
Юрак, мендан нима истайсан?
Биласан-ку, менга ҳам оғир
Соқов бўлиб сен билан юрмак.*

Тилак Жўранин бу каби қатор шеърларида ўша даврни қора туман, қоронғулик ва тунга сифатлаш асосида очик-ойдин тузумга бўлган муносабати ва қарашларининг ўзига хос ифодасини кўра-миз.

Таниқли шоир Шукур Қурбон Тилак Жўра «Сайланма»-сига ёзган сўзбошида унинг устози Файзулла ас-Саломнинг бир фикрини келтиради: «Қиёфада кўёш акс этганини кўрганмисиз? Шоир Тилак Жўра шеърларида халқ қиёфаси акс этарди.

*Узоқ йиллар, кўп узоқ йиллар
Алдаб келдим ўзимни ўзим
Меники деб бу қизил гуллар,
Меники деб ҳар айтган юрмак.*

Шоирнинг таржимаси ҳолидан сатрлар

Тилак Жўра 1947 йил 26 май кунини Бухоро вилояти, Қорақўл туманидаги Сайёв қишлоғида туғилган. 1956-66 йилларда ўрта мактабда, 1966-72 йилларда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини, 1978-81 йилларда шу университетнинг аспирантурасида таҳсил олган. 1970 йилдан умрининг охирига қадар ТошДУнинг таржима назарияси ва амалиёти кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган. Унлаб ёш олимларга устозлик қилган. 1986 йилда филология фанлари номзоди илмий даражасини олган. 1994 йил 21 апрелда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Адҳамжон ЭРҒАШЕВ

СЎНГИ ҚЎНҒИРОҚ

Кеча мамлакатимиздаги барча умумий ўрта таълим масканларида сўнги қўнғироқ тадбирлари бўлиб ўтди. Ёшликнинг оппоқ орзуларга тўла дамларини эслатувчи бу тадбир кичига кўтаринки руҳ бағишлади.

Айниқса, ўқувчиларнинг қувончини тасаввур қилиш қийин эмас. Кўпчилиги ўқув йилини муваффақиятли якунлаб, камолот пиллаоясидан яна бир поғона кўтарилган бўлиши, битирувчи ёшлар мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўйишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликдан олинган маълумотларга кўра, 2011-2012 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг тўққизинчи синфини 560 минг нафар-



А. АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

дан зиёд ўқувчи тамомлаиди. Улар таълимнинг навбатдаги — ўрта махсус, касб-хунар тизими билан тўлиқ қамраб олинди. Буларнинг барчаси юртимизда навқирон авлод камолоти ва истиқболни йўлида кўрсатилаётган улкан меҳр ва эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

ЮРТИМИЗ СИҲАТГОҲЛАРИДА

Сўлим табиат оғушида

Тўрт томони тоғ билан ўралган «Хумсон» санаторийси жойлашган худуд гўзал табиати, мусаффо ҳавоси билан ажралиб туради.

Санаторийнинг умумий майдони 14,95 гектар бўлиб, худудда минглаб мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилган, гулзор барпо этилган. Бир неча ётоқ ва даволаш бинолари жорий таъмирланиб, ишга туширилди. Кўпгина замонавий тиббий ускуналари харид қилиниб, тиббий хизмат кўрсатиш суръати йилдан-йилга ошмоқда. Ҳозирда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 августдаги қарорига асосан Давлат солиқ қўмитаси тасарруфига ўтказилган. Давлат Солиқ қўмитасининг бевосита ёрдамида йил давомида фаолият юритувчи ушбу «Хумсон санаторийси» унитар корхонасида бугунги кунда 150 нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилади.

Санаторийнинг асосий фао-

лияти соғломлаштириш бўлиб, асаб, юрак-қон томир, нафас олиш аъзолари ҳамда таянч-ҳаракат аъзолари хасталикларининг даволашга ихтисослашган. Бу ерда йил давомида республикамизнинг барча ҳудудларидан ўртача 6000 га яқин киши даволаниб кетади. Даволаш бўлимида терапия, неврология, генетология, физиотерапия ихтисосликлари бўйича даволаш, ультратовуш диагностикаси ҳамда клиник лаборатория диагностикаси йўлга қўйилган.

Шунингдек, даволанувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шaroит яратилган бўлиб, кутубхона, ёзги-қишки томошагоҳ, биллард-теннис хонаси, дискотека майдони, шарқона чойхона, суратхона, фитобар, бас-

сейн мавжуд. Тоғ ёнбағирлари ва Бўстонлик туманининг сўлим жойларига саёҳатлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар уюштирила-ди.

— Бир неча йилдан буён ушбу масканда соғлимни тиклайман, — дейди дам олувчилардан бири Расул Ниёзов. — Бу ерда даволаш ишлари юксак даражада, айниқса, санаторийдаги ҳодимларнинг ширин муомаласи дам олувчилар ва даволанувчилар дарди-да малаҳам бўлмоқда.

Бу ерда 400 ўринга мўлжалланган ошона биноси ишлаб турган. Дарвоқе, ошона жойлашган худуддаги ҳавонинг кислородга тўйимлилиги Кисловодск курортидан 11 фоизга юқори. Шунингдек, маскан ёнидан оқиб ўтувчи Угам дарёсининг суви гидрокарбонатли кальций, натрий минералларига бой.

Оллоназар ОКНАЗАРОВ

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалида 2012 йил 4 майдан 21 майгача бўлиб ўтган аукцион савдо натижалари

Объектнинг номи	Жойлашган жой	Бошланғич баҳоси (сўмда)	Сотилиш баҳоси (минг сўмда)
Тошкент шаҳар			
2012 йил 4 майдан сотилган ер майдонлари			
1	5 сонли ер участкаси Тошкент ш., Ҳамза т. Янгилик кўчасида	2 574 000,00	5 000,00
2	6 сонли ер участкаси Тошкент ш., Ҳамза т. Янгилик кўчасида	2 574 000,00	5 000,00
2012 йил 21 майдан сотилган ер майдонлари			
1	1а сонли ер участкаси Тошкент ш. М.Улуғбек т. Неймат кўчасида	6 174 000,00	11 000,00
2	2а сонли ер участкаси Тошкент ш. М.Улуғбек т. Неймат кўчасида	6 174 000,00	10 000,00
3	3а сонли ер участкаси Тошкент ш. М.Улуғбек т. Неймат кўчасида	6 174 000,00	9 000,00
4	9а сонли ер участкаси Тошкент ш. М.Улуғбек т. Неймат кўчасида	2 469 000,00	4 500,00



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV,

Muhammad Ali AHMEDOV,

Oksana BELAUISOVA,

Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Baxtiyor MAHMADALIYEV,

Sog'indiq NIYETULLAYEV,

Eson RAJABOV,

To'lqin TESHABOYEV,

Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

Huquq va xalqaro hayot

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

Reklama va e'lonlar

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon + 99897 465 05 68;

Buxoro + 99893 653 50 81;

Jizzax + 99872 360 00 10;

Navoiy + 99894 226 28 84;

Namangan + 99897 491 79 28;

Samarqand + 99866 708 70 12;

Surxondaryo + 99897 458 05 07;

Farg'ona + 99873 221 93 19;

Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;

Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,

«Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail:

ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Abdullayev

Navbatchi:

U. Ibodinov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi:

H. Abdullallov

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasiда chop etildi. Korxonа manzili:

«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikri tabiiy ravishda nazardan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosish va nashr vaqti - 23.25 Topshirildi - 01.20

Buyurtma Γ — 511

21945 nusxada bosildi

1 2 3 5